

Жиззах Вилояти

ЭРТАНИ ЎЙЛАБ ИШЛАШ ИШТИЁҚИ

Сўнги кунларда мамлакатимиз ҳудудида сурункали қор ёниб, борлиқ қалин ва оппоқ либоса бурканган бўлса-да, бу деҳқончилик учун керакли миқдордаги обихоёт таъминланадигани, дегани эмас. Маълумки, деҳқонларимиз шу кунгача нимага эришган бўлса, ҳалол меҳнати, изланувчанлиги, ишбилармонлиги, зарур агротехник тадбирларни оғишмай амалга ошириши билан эришган. Улар бугун ҳам ана шу агротехник тадбирларни бекаму кўст амалга оширишга ҳаракат қилаётир.

2005 йилда қурилиб, фойдаланишга топширилган "Арнасой" сув омбори Арнасой туманининг "Самарқанд", "Хоразм", "Фарғона", "Туркистон", "Қозоғистон", Мирзаачўл туманининг "Туркистон", "Ўзбекистон", "Тошкент" сув истеъмолчилари уюшмаларига қарашли 21 минг гектар ер майдонини сув билан таъминлайди. Шу кунларда иншоотимизга ҳар кун 2 миллион метр куб сув қабул қилиб, мустаҳкам захира яратмоқдамиз. Апрельнинг биринчи ўн кунлигига ҳам 650 миллион метр куб обихоёт йиғиб олишни кўзда тутишимиз. Бу бултурги миқдордан кам эмас.

Президентимизнинг 2007 йил 29 октябрдаги «Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ва 2013 йил 19 апрелдаги «2013-2017 йиллар даврида сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори билан яқин кунларда Дўстлик туманида қурилиши ниҳосига етказилган 3-насос станцияси ишга туширилгач, деҳқонларга яна 150 миллион метр куб қўшимча сув узатиш имкониятига эга бўламиз. Бу билан Арнасой ва Дўстлик туманлари ҳудудидан яна

18 минг гектар ерни сув билан таъминлаймиз. Бу ерларга шу йлгача Жанубий Мирзаачўл каналдан олинаётган сув эса қўшни Пахтакор ва Зафаробод туманларига қўшимча тарзда оқизилади. Бинобарин, уларнинг ҳам таъминлини даражаси ошади.

Ушбу ҳужжатларда белгиланган вазифалар ижроси сифатида сўнги уч йил давомида биз хизмат кўрсатаётган ҳудудда 14 минг гектар ернинг мелиоратив ҳолати тубдан яхшиланди. Қарийб 10 километр дренаж қувурлари ётқизилиб, 30 километр янги зовурлар қазилди. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги кўмағида Хитой давлатида ишлаб чиқарилган тозалаш агрегати келтирилиб, у билан 24 километр узунликдаги канал чўкмалардан тозаланди ва ушбу каналларда сув сизими орттиришга, обихоётнинг равои қилинишига, натижада катта тежамкорликка эришилди.

Шу куннинг агротехник тадбирларига тўхталган бўлсак, Арнасой ва Мирзаачўл туманларининг иншоотимиздан сув оладиган ҳудуддаги фермер ва деҳқонлари пахта етиштириш учун шудгорлаб қўйган 18 минг гектар ерларидан шурч ювиш тадбири ўтказиб бўлинди. Йигирма минг гектардан зиёд фаллазорлар эса чилла сувига қон-



Бошқарма бошлиғи Марди Худойбердиев (ўнгда) сув омборидан фойдаланиш ва таъмирлаш бўлими бошлиғи Собир Тураев билан навбатдаги ишлар режасини муҳокама этаётир.

дирилди. Шунингдек, Жанубий Мирзаачўл каналдан сув олувчи деҳқонлар ҳам ушбу тадбирни муваффақиятли амалга оширишди. Бу тадбирларнинг экин ҳосилдорлигини ошириш ва ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилашдаги аҳамияти ниҳоятда катта. Чунончи, чигит экиладиган майдонларда тупроқнинг намлик даражаси то қўқламгача юқори бўлиб, уруғни табиий намга ундириб олиш имконияти кафолатланади. Шунингдек, тупроқ таркибидagi тузлар ювилиб, экиннинг ҳосилдорлиги ошади. Бундан ташқари, анғиз кесаклари ва тупроқ орасида жон сақлаб, қишлаётган зарарли ҳашаротлар, бегона ўт ва уларнинг уруғлари нобуд бўлади. Муҳими, шудгор кесакларининг майдаланиб, анғиз ичидаги бултурги экин қолдиқла-

ри чирийдигани ва ўйитга айланади. Бундай даладарда кунлар исий бошлаши биланоқ тупроқдаги аммонлашув ва нитратлашув бирмунча тезроқ кечади. Фаллазорларга берилган чилла суви экиннинг уйғониши ва ривожланишини тезлаштириш билан бирга, илдишлар атрофидаги қолдиқ маъданларни эритиб, озиқага айлантиради. Куз ва қиш давомида юқорилай бошлаган сизот ва зах сувлар сатҳини пасайтиради. Тупроқ таркибининг туздан тазалиди. Қўқламга парвариш даврида экиннинг бир марта кам сугорилиши туфайли занг касаллигининг олди олинади.

Азотнинг ҳаводан олинишини ҳисобга олсак, ёгингарчилик тупроқни маълум даражада бойитилади. Бироқ "Етти кун ёққан ёмғир-

дан етти юмалаган сув яхши" деган нақл эътиборга олинса, ерлари зовурларга яқин жойлашган фермер ва деҳқонлар ҳали ҳам яқоб беришни давом эттирсалар, мақсадга мувофиқ бўлади.

Биз зовур сувларини олиш учун 19 та сув насоси ўрнатиб қўйдик. Айни кунларда яна 5 та насос ўрнатяпмиз. Бу насослар орқали 22 миллион метр куб сув узата оламиз. Бундан ташқари, обихоётни иқтисод қилиш технологиялари — эгилувчан қувурлар, полиетилен плёнкалар қўллаш ва томчилатиб сугориш ҳисобига 9 миллион метр куб сув тежамқоқчимиз. Парваришда давомида агротехник тадбирларни оби-тобида ташкил этиш ва экинларни суспензия орқали озиқлантириш билан ҳам самарадорлик, тежамкорликка эришамиз.

Яқинда Мирзаачўл ва Арнасой туманларининг биздан обихоёт олувчи фермер хўжалиқлари сувчилари рўйхатини тузиб, улар билан сугориш агротехникасига оид суҳбатлар ташкил этилди. Ҳар 5 гектар майдонга бир нафар сувчи бириктирилиб, жами 1205 нафар сувчи ишлайдиган бўлди. Айни пайтда сувчиларини иш қуроллари, коржомалар, тунги ёриткичлар билан таъминлаш чораларини кўриб, меҳнат ҳақларини белги-ляпмиз. Мутахассисларнинг тунги навбатчиликларини қатъий ташкиллаштириямиз. Хуллас, ернинг ардоқловчи, обихоётнинг ҳар томчисини қадрловчи ҳар бир деҳқон билан елкама-елка туриб меҳнат қилапмиз.

Марди Худойбердиев,
Арнасой сув омборидан фойдаланиш бошқармаси бошлиғи.

Навоий Вилояти

Оламнинг ободлиги деҳқонлардандир, деган эди ҳазрат Навоий асарларининг бирида. Улуғ мутафаккир шоир бу борадаги фикрини ривожлантириб, бутун одамзотдан то қурт-қумурсқачага ризқ-у насибасини деҳқон меҳнатидан топишини таъкидлайди.

ИССИҚ ХОНАДАН ДАРОМАД

Бугун республикамизнинг қай бир ҳудуди, қай бир бозорига кирманг, қишин-ёзин расталарини тўлдириб турадиган сархил мевалардан кўзингиз қувнайди. Бу эса мамлакатимизда қишлоқ хўжалиғи, хусусан, деҳқончилик ва боғдорчиликнинг тобора раванк топиб бораётганидан далолатдир. Бу борада давлатимиз томонидан фермерлар ва тадбиркорлар қўллаб-қувватлиниб, уларга имтиёзлар яратилгани, қатор ҳуқуқий ҳужжатларнинг қабул қилиниши соҳа вакилларини иштиёқ билан ишлашга ундаяпти. Хусусан, Навоий шаҳрида фаолият юритаётган "Олима-Лайло келажаги" масъуляти чекланган жамиятида гулчилик билан шуғулланилмоқда.

Иссиқхонамизда гулларнинг 30 дан зиёд тури парваришланади, — дейди МЧЖ раҳбари Назира Шахриддинова. — Ҳозир қиш мавсумида 100 мингта гул уруғи экиб, парвариш қилинмоқда. Уларни ойига 3-4 марта минерал ўғитлар билан озиқлантирамиз. Тайёр бўлган гулларни асосан март ойларидан бошлаб, вилоят миқёсида тарқатамиз. Улар шарҳимиз қўчаларига, хиёбонларга ўтказилади. Худудимизнинг чиройига чирой қўшиб, ранг-баранглиги билан кўзни қувонтиради.

Иссиқхонада ҳар доим

иш қизгин. Тўрт нафар ишчи фаолият юритаётган бу гузаллик масканида тувакда ўсувчи ҳар хил гуллар ҳам етиштирилмоқда. Тиниб-тинчимас тадбиркор ердан унумли фойдаланиш мақсадида қиш мавсумида ҳам боғдорчиликни давом эттиришга қўл урди. 5 килограммдан зиёд ҳосил олаётган иссиқхона ҳодимдан бир мавсумда 20 тоннадан ортиқ маҳсулотни эл дастурхонига тортиқ этишяпти.

— Жорий йилда фаолиятимизни янада кенгайтириш мақсадида қўшимча иссиқхона барпо этилди, — дейди Назира опа сўзини давом эттириб. — Шу ойда 35 сотих майдонда "Иссиқхона қурилишини ташкил қилиш" лойиҳасини амалга ошириш учун "Микрокредитбанк"нинг шаҳар филиалидан 45 миллион сўм кредит оляпти. Янги иссиқхонада муҳитга мослаштириб, Европа гулларини келтириб ўстирмоқчимиз. Натижада 4 та янги иш ўрни очил имконияти яратилади.

Навоий шаҳри кўчаларини турфа гулларга буркаб, ҳудуднинг кўркамга кўрк қўшишга хизмат қилаётган иссиқхона ишчилари доимо изланишда. Улар ўз имкониятларини тобора кенгайтириб, янги даромад манбаларини қидиришмоқда.

Масъудат ШАРИПОВА

Бухоро Вилояти

Мамлакатимизда ёшларни тадбиркорликка кенг жалб этиш, уларнинг ишбилармонлик қобилиятларини юзага чиқариш мақсадида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Уларнинг истиқболли лойиҳаларини молиялаштиришда банкларнинг ўрни муҳимдир.

БИТИРУВЧИЛАРГА БАНК КЎМАГИ

Вобкент туманида ҳам коллеж битирувчиларининг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Бу жараёнда банкларнинг ҳам хиссаси ошиб бормоқда. — Ота-онам туман марказидаги савдо дўконидан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишда, — дейди коллеж битирувчиси Алишер Ҳамроев. Мен ҳам тадбиркор бўлишга аҳд қилдим. Банкдан олинган 25 миллион сўм миқдоридagi кредит маблағига 4 та миллий пишириқлар пиширадиган печлар харид қилиб, савдо дўконини қошида алоҳида цех ташкил этдим.

Ҳозирда ёш тадбиркорнинг цехида 5 турдаги пишириқлар тайёрланади. 3 нафар коллеж битирувчиси иш билан таъминланган. Бухоро тумани Қишлоқ хўжалиғи касб-хунар коллежини тугатган Жонибек Қўчқоров ҳам шу молия муассасасидан олган кредит маблағи ҳисобидан 3 бош қорамол харид қилиб, ўз шахсий хўжалиғи фаолиятини йўлга қўйди. Айни кунда унинг қорамоллари 6 бошга етди. Ёш тадбиркор фермер хўжалигини ташкил этмоқчи.

Коллеж битирувчилари томонидан ташкил этилаётган тадбиркорлик субъектларида маҳсулот ишлаб чиқариш билан бир қаторда қўллаб янги иш ўринлари яратилмоқда. Бу борадаги ишлар жорий йилда ҳам янада кенгроқ давом эттирилмақда.

Ҳамроз АЛИ,
"Qishloq hayoti" муҳбири.

▼ ВАТОН ХИМОЯСИ – МУҚАДДАС БУРЧ

ЙИГИТЛАР ХИЗМАТГА ЙЎЛ ОЛДИ

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ ҚАРИМОВНИНГ 2013 ЙИЛ 20 ДЕКАБРДАГИ «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФУҚАРОЛАРИНИНГ МУДДАТЛИ ҲАРБИЙ ХИЗМАТГА НАВБАТДАГИ ЧАҚИРУВИ ҲАМДА БЕЛГИЛАНГАН ХИЗМАТ МУДДАТЛАРИНИ ЎТАБ БЎЛГАН ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАРНИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАР РЕЗЕРВИГА БЎШАТИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚАРОРИГА МУВОФИҚ ЖОЙЛАРДА ТИББИЙ КЎРИК, СИНОВ ВА ТАНЛОВЛАРДАН МУВАФФАҚИЯТЛИ ЎТГАН ЙИГИТЛАР ҲАРБИЙ ХИЗМАТГА ТАНТАНАЛИ РАВИШДА КУЗАТИЛМОҚДА.

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ муҳофа ишлари бошқармаси йиғув пунктида муддатли Ҳарбий хизматга чақирилган йигитларнинг дастлабки гуруҳини тантанали кузатиш маросими ўтказилди.

Вилоят ҳокимлиги, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, ҳарбийлар, чақирилувчиларнинг ота-оналари иштирок этган тадбирда Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимиз Қуролли Кучларида амалга оширилаётган ислохотлар ва унинг самаралари ҳақида сўз юритилди. Мамлакатимизнинг ҳудудий яхлитлиги, чегараларимиз дахлсизлиги ва халқимиз осойишталигини таъминлашга қодир профессионал миллий армиямиз шаклланиб, унинг сафларида хизмат қилиш ёшларимиз учун шон-шараф ишига айлангани таъкидланди.



Ҳарбий либос кийиб, Ватанимиз олдидagi йигитлик бурчимни бажаришни болалигимдан орзу қиламан, — дейди иштирокчи чақирилувчи Зафар Зокиров. — Ўтган йили Иштихон қурилиш ва коммунал хўжалиғи қоралини битириб, аввал Ҳарбий хизматга бориш, сўнгра олий Ҳарбий билим юртига ўқишга киришни ўз олдимга мақсад қилиб қўйгандим. Бугун ана шу мақ-

садим сари илк қадам қўйиб, Ҳарбий хизматга йўл олаётганимдан хурсандман. Шу билан бирга, бунинг улкан масъулият эканини ҳам ҳис қилмоқдаман. Ҳарбий хизмат давомида, албатта, ишончини оқлаб, Ватанимиз ва халқимизга садоқат билан хизмат қиламиз.

Ф.ҲАСАНОВ,
ЎЗА муҳбири.

нали кузатиш маросимида маҳалла фаоллари, чақирилувчиларнинг ота-оналари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимиз Қуролли Кучларида амалга оширилаётган ислохотлар самарасида ичмам, ҳаракатчан ва сарҳадларимиз дахлсизлигини таъминлашга қодир миллий армиямиз шакллантирилгани, унинг моддий-техник базаси, шахсий таркиби, жанговар тайёргарлиғи янада мустаҳкамланиб, Ҳарбий хизматнинг нуфузи тобора ортиб бораётгани таъкидланди.

Касб-хунар коллежини битириб, "Ватанпарвар" ташкилотининг автомобиль мактабига ўқидим, — дейди Норин туманидан Ҳарбий хизматга чақирилган Иброҳимжон Азимов. — Ҳарбий либос кийиб, миллий армиямиз сафига киришининг ўзи мен учун катта бахт. Ҳарбий хизмат мен учун катта ҳаёт мактаби бўлади.

Санъаткорларнинг концерт дастури тадбири фойда бағишлади. Маросимда Наманган вилояти ҳокими Б.Юсупов сўзга чиқди.

А.САТТОРОВ,
ЎЗА муҳбири.

Наманган Вилояти

ҲАМКОРЛИКДА ИШОНЧ УСТУВОР

БУ ҲАМ ТАДБИРКОР, ҲАМ БАНК ФАОЛИЯТИНИНГ БАРҚАРОР РИВОЖИГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА

Мамлакатимизда тадбиркорлик, кичик бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳасига қаратилган эътибор натижасида у иқтисодийнинг етакчи кучига айланди. Бугунги кунда республикамизда эришилаётган ютуқларнинг асосий омилларидан бири ҳам тадбиркорликка кенг йўл очилганидандир. Чунки яратувчиликка, халққа хизмат қилишга бел боғлаган қўллаб-қўрғашларимиз ўзининг орзу-истакларига тадбиркорлик орқали эришмоқдалар. Бу жараёнда тадбиркорларга мададкор бўлаётган банкларнинг ҳам алоҳида ўрни бор.

Qishloq Qurilish Bank

Қорхонамиз "Қишлоқ қурилиш банк"нинг Поп тумани филиали мижозси. Банк ҳодимларининг мижозлар билан ишлашдаги янги ҳаёт ёндашувлари тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантиришда, хизмат кўрсатиш сифатини оширишда муҳим омил бўлмоқда. Банк томонидан аҳоли ва мижозларга сифатли ва тезкор банк хизматларини кўрсатиш учун барча шароитлар яратилган. Банк ҳодимларининг ширинсўзлиги, тажрибали ва тежамкорлигидан мамнунамиз. Тўғрида, кунда бўлмаса ҳам кунора банкка ишимиз тушади. Баъзан ташвиш

билан, баъзан тушуниб, тушунома келганингизда банк ҳодими чиройли муомала қилса, сифатли ва тезкор хизмат кўрсатса, йўл-йўриқ берса, керакли тушунишни етказса олса, баҳри-динлигиз очилади, кўнглингиз равшан тартади.

Айниқса, тадбиркорлар томонидан тақдим этилаётган истиқболли бизнес-режа ҳамда лойиҳалар банк жамоасининг доимий эътиборида. Ўтган йили фаолиятимизни янада кенгайтиришни мақсад қилдик. Нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш мақсадида бизнес-режа туздик. Ҳисоб-китобимиз бўйича мақсад

амалга ошириш учун 47 миллион сўм зарур бўларди. Бугун қай бир тадбиркор билан суҳбатлашсангиз, гап мавзуси маблағга бориб тақалса, Демак, банклар тадбиркорларнинг молиявий мададкорига айланиб улгурди. Биз ҳам банкка суяндик. Лойиҳамизни тақдим этдик. Банк жамоаси уни кўриб чиқди. Кредитни қайтариш имкониятимизни ўрганди, фикримиз билан қизикди. Сўнгра маблағ ажратди. Сармоёга энг замонавий технологиялар сотиб олдик. Бугун Поп туманининг Уйғур қишлоғида фаолият юритаётган нон ва нон маҳсулотлари тайёрлапмиз. Бир ой давомида 8-9 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Лойиҳа амалга ошганидан айни пайтгача 110 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқардик. Яқин вақтда кредитни тўлиғича қай-



тариш имконимиз бор экан. Бу бир жиҳати. Яна бир томони шундаки, беш нафар кишининг рўзғори обод бўлишига ҳисса қўшдик. Банк мадади билан уларнинг ҳам хонадонига баракка кириб борди.

Келгусида эса режаларимиз кўп. Фаолиятимизни янада кенгайтириб, ишлаб чиқаришининг бошқа йўналишларини йўлга қўймоқчимиз. Қишлоқда янги қорхоналар

Фарғона Вилояти

Кува туманининг "Сўфи" қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидagi 13-болалар мусика ва санъат мактаби тўлиқ реконструкция қилиниб, фойдаланишга топширилди.

ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАР МАСКАНИ

— Туманимизда мусика ва санъат мактабининг бунёд этилишидан барча санъатсеварлар, ота-оналар ҳамда ҳаваскор ёшлар беҳад мамнун бўлдилар, — дейди мактаб директори Шаҳнозаҳон Раҳимова. — Бу ерда фортепьяно, ўзбек халқ чолғу асбоблари, тасвирий санъат, хореография йўналишида сабоқ берилади. Мактабимизда 29 нафар олий ва ўрта махсус маълумотга эга бўлган устоз-мураббий фаолият кўрсатмоқда. Туманимизда иқтидорли ёшлар жуда кўп. Уларнинг қобилиятларини юзага чиқариш учун барча имкониятларни ишга соляпмиз.

Ҳамиджон БУРХОНОВ

2014 йил 7 февраль



САРМОЯ – ТАРАҚҚИЁТНИ ҲАРАКАТЛАНТИРУВЧИ КУЧ

МОЛИЯ МУАССАСАЛАРИДА
Президентимизнинг 2006 йил 5 майдаги “Микрокредит-банк” акциядорлик тижорат банкни ташкил этиш тўғрисида”ги Фармони асосан фаолият бошлаган ушбу банк ўтган йилларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг энг ишончли ҳамкорига айланди. Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 10 ноябрдаги “Микрокредитбанк акциядорлик тижорат банкнинг тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш борасидаги фаолиятини янада кенгайтириш чора-

тадбирлари тўғрисида”ги Фармонининг қабул қилиниши эса банкнинг тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш борасида амалга ошириладиган ишлари қўламини янада кенгайтириш имконини яратди. Мазкур банк мамлакатимиз ҳаётида муҳим аҳамиятга эга давлат дастурларининг амалга оширилишида ҳамда ҳудудларни ривожлантиришга доир лойиҳаларни зарур маблағ билан таъминлашда фаол иштирок этиб келмоқда. Хусусан, молия муассасаси томонидан оилавий тадбиркорлик-

ни, аёллар ва касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг бизнес лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш масалаларига алоҳида эътибор берилмоқда. Ажратилаётган имтиёзли микрокредитлар жойларда, айниқса, қишлоқ жойларда тадбиркорларнинг бошланғич сармоясини шакллантиришга замин яратаядигани, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ва аҳоли фаровонлигини оширишга катта ҳисса қўшаётгани эътиборга моликдир. Бу куйидаги лавҳаларда ҳикоя қилинади:

Орзуларимнинг юзага чиқишида банкнинг кўмаги катта бўлган, десак муболага бўлмайди. “Микрокредитбанк” билан ўзаро манфаатли ҳамкорлигимиз тўғрисида кўплаб ютуқларни қўлга киритиб, янгидан-янги марраларга эришяпмиз.

ИШБИЛАРМОН ЁШЛАР ТАЯНЧИ

Банкдан 4,5 миллион сармомия олдик. Тикувчилик ва тўқувчилик асосида ишимизни бошладик. Хуллас, бугун юртимизда кўпгина хунари ёки ўқуви бор ҳар қайси инсон эътибордан четда қолмапти. Уларнинг қобилияти, иштиёқи ва маҳорати дунё юзини кўраётди. Бунда банкнинг ҳам ҳиссаси катта, деб ўйлайман. Шу ўринда мазкур молия муассасасининг меҳнат бозорига кириб келаётган ёш тадбиркорларни молиявий қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратаётганини алоҳида таъкидлашни истардим. Мана шундай тадбирлар боис, жойларда айнан ёшлар раҳбарлик қилган кўпгина корхона ва фирмалар ташкил этилмоқда. Улар томонидан тайёрланаётган маҳсулотлар эса ички бозоримизни тўлдиришга хизмат қилапти. Энг муҳими, ёш тадбиркорлар ўз ённга тенгдошларини қўллаб, уларнинг ишбилармонлик қобилиятини юзага чиқаришга кўмаклашмоқдалар.

Шахноза ЧОРШАНБИЕВА, тадбиркор
Шаҳрисабз тумани.

МОЛИЯВИЙ МАДАДАН МАМНУНМИЗ

Бугун фермерлик ҳаракати – қишлоқда етакчи кучга айланмоқда. Яъни қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини етиштирадиган, уни қайта ишлаб, қишлоққа саноатни олиб кирадиган, унинг инфратузилмасини янада такомиллаштирадиган, қўллаб-қўллаб янги иш ўринлари яратадиган, қишлоқни обод этадиган кучга айланмоқда. Банк эса фермерларга бу жараёнда қўллаб-қўллаб келмоқда.

Ҳўжалигимиз наслчиликка ихтисослашган бўлиб, айни пайтда 410 бош қорамол парвартиланмоқда. Фермер ҳўжалигимиз “Микрокредитбанк” билан доимий ҳамкорлик қилиб келади. Бу ҳамкорликнинг амалий самараси молларимиз наслининг тубдан яхшиланишида, пировардида, маҳсулдорлик ва сифат ошишида аниқ намоён бўлмоқда.

2007 йилда банкдан зотли қорамол сотиб олиш учун 7 миллион сўм миқдорда кредит олган эдик. Унга 4 бош зотли мол келтирдик. 2011 йилда эса яна 110 миллион сўм сармомия олдик. Ушбу маблағга 20 бош гунажим олиб келдик. Улар иқлимимизга мослашган, маҳсулдорлик ошди, даромадимиз юксалди. Шу боис, олган кредитимизни белгиланган муддатдан аввал қайтаришга эришдик. Ўтган йили чорвачиликни янада ривожлантириш мақсадида банкдан 200 миллион сўм кредит олиб, унга 27 бош насли мол олдик.

Ҳозирда 120 бош соғин сигирнинг ҳар биридан кунига 18-20 килограммгача ёғлилик даражаси юқори бўлган сут соғиб олинапти. Шу ойдан бошлаб, гунажинлар бузуклай бошлади. Бугун ишимизни таҳлил этиб, шундай хулосага келдимки, муваффақиятларимизнинг асосий омилли бизга яратиб берилаётган шароитда экан. Биргина банк хизматининг намунали йўлга қўйилгани ишимизнинг ривожига муҳим аҳамият касб этаётганини кўрдимиз. Демакки, янада шижоат билан меҳнат қилиш, самарадорликни ошириш чораларини излашимиз даркор. Бунинг учун пухта бизнес режалар керак бўлади. Уларни амалга ошириш учун молиявий мададдан эса кўнгил тўқ. Ахир ишончли ҳамкоримиз – “Микрокредитбанк” бор.

Баҳодиржон РУСТАМОВ, Андижон туманидаги Муқимий номли фермер ҳўжалиги раҳбари.

МУВАФФАҚИЯТЛАРИМИЗ ОМИЛИ

Ички ва ташқи бозор талабидан келиб чиқиб, аҳоли учун зарурий озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйганмиз. Ишимизда тадбиркорлик учун қўллаб-қўллаб яратиб берилгани, соҳага қўллаб-қўллаб имтиёзлар таъкидлангани муҳим омил бўлди. Истикболли бизнес лойиҳаларимизни муваффақиятли амалга оширишда “Микрокредитбанк” молиявий жиҳатдан қўллаб-қўллаб келмоқда.

Жумладан, қолипчи нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш, фаолиятимизни ривожлантириш, сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш, уларнинг турини кўпайтириш каби лойиҳаларимизни амалга ошириш учун банк 31 миллион сўм кредит ажратди. Мазкур маблағлар ҳўсобида корхонамиз томонидан замонавий технологик ускуна ва жиҳозлар олинди. Молиявий ҳамкоримиз бўлган “Мик-

рокробитбанк”нинг сифатли хизматларидан мамнунмиз. Ишонимизки, унинг молиявий кўмаги ишлаб чиқариш суръатини тобора ошириб, аҳоли турмуш шароитларини юксалтиришдек эзгу ниятларимизнинг рўёбга чиқишида хизмат қилади.

Шерали ҚОРАБЕКОВ, Бўёв туманидаги “Бўёв бараканон” маъсулияти чекланган жамияти раҳбари.

Банк томонидан аҳолининг иш билан бандлик даражасини ошириш, аҳоли барқарорлигини даромад манбаларини таъминлаш мақсадида янги ташкил этиладиган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига бошланғич сармомия учун микрокредитлар ажратиш, фаолият кўрсатаётган кичик биз-

нес субъектларига тадбиркорликни ривожлантириш ва айланма маблағларни тўлдириш учун микрокредитлар ажратиш ва уларга лизинг хизматлари кўрсатиш сифатини янада ошириш мақсадида изланишлар олиб борилаётди. Иқтисодий тараққиёт ҳар бир мамлакатнинг куч-қудратини, шу ерда яша-

ётган оилалар фаровонлигини ва юртининг оқоимизининг таъминлайдиган асосий омилдир. “Микрокредитбанк” кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш экан ўзининг катта имкон яратадиган микрокредитлари билан ҳар бир хондонга яна ҳам яқинроқ кириб бораверади.

Банк матбуот хизмати

БАРЧА ТУРДАГИ ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

АТИБ «ИПОТЕКА БАНК» ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ ҚУЙДАГИ ОБЪЕКТ БЎЙИЧА ТАНЛОВ САВДОСИ ЎТҚАЗИЛИШНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

“Жиззах шаҳридаги АТИБ «Ипотека банк» Жиззах вилояти филиали биносини капитал таъмирлаш (2-босқич)”. Объектнинг бошланғич қиймати: ҚҚСсиз 667,878 млн. сўм, ҚҚС билан 801,454 млн. сўм.

Ишларни тугаллаш муддати: 8 ой.
Ишларни молиялаштириш: бюртмачининг маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.
Бюртмачининг манзили: Жиззах шаҳри Ш.Рашидов шох кўчаси 72-уй. Телефон: (8-372) 226-02-40

Диққат! Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 7 февралдаги ПҚ-1475-сонли ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 1 апрелдаги 100-сонли қарорларига асосан қиймати 500 млн. сўмдан кўп бўлган объектлар бўйича танлов савдолари ўтказилаётганда кичик бизнес субъектларига устулик берилди.
Танлов савдосида иштирок этадиган ташкилотлар куйидаги шартларга жавоб беришлари керак: танлов савдоси предметининг 20% миқдоридида айланма маблағларига ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлаб чиқариш базалари, ишларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларга, етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик муомала ҳўқуқи лаёқат ва ваколатларига эга, ўқушаш иншоотларни қуриш бўйича тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдосида маҳаллий ва чет эл қурилиш ташкилотлари иштирок этадиган уларнинг танлов тақлифлари баҳоланаётганда маҳаллий пудратчилар учун куйидаги нарх преференциялари қўзда тутилган: оферентларнинг танлов тақлифларини баҳолаш вақтида қўнунчилик мувофиқ қўшимча қиймат солигини тўлашдан озод этилган импорт ишларни бажарувчи ва хизмат кўрсатувчи чет эл оферентларнинг тақлифларига қўшимча қиймат солиғи қўшиб ҳисобланади.
Танлов савдосида қатнашиш ва танлов ҳўжатларини олиш учун сўровнома билан танлов савдоси ташкилотчиси — Жиззах вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига куйидаги манзилга мурожаат этиш мумкин.
Жиззах ш. Ш.Рашидов кўчаси 63-уй, 425-хона. Тел/факс: 226-14-66.

Бир тўплам танлов ҳўжатларининг нархи – 100 000 сўм.
Тақлифлар (офёрталар) танлов савдоси ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.
Офёрталарни танлов савдоси ташкилотчисига тақдим этишининг охириги муддати — офёрталар очилиш кунини ва соати-гача.
Танлов савдоси Эълон матбуотда чоп этилгандан 30 кундан кейин куйидаги манзилда ўтказилади: Жиззах шаҳри Ш.Рашидов шох кўчаси 64-уй (вилоят ҳўқимлиги биноси), мажлислар зали.

Утрянний план квартири расположенной по адресу: г. Ташкент Утепинский р-н Алгоритм-31 д. 52 кв. 204 выданный кадастровой службой Утепинского р-на на имя Инонтова Отабека Сайиджоновича, считать недействительным.

Ташкент ш. Мировод т. ТСРҲИ томонидан рўйхатга олинган “LUS-SON” ХК тақлидий-ҳўқуқий шакли “LUS-SON” МЧКга ўзгартирилиши маълум қилади.

Ташкент ш. Мировод т. ТСРҲИ томонидан рўйхатга олинган “YONG SEON GLOBAL” МЧК Устав фонди 44 588 300 сўмдан 4 000 000 сўмга камайтирилиши маълум қилади.

Ташкент ш. Зангиота т. ТСРҲИ томонидан рўйхатга ўтган “KAMOLIDDIN OMAD BARAKA” МЧКнинг Устав фонди 683 642 471 сўмдан 336 000 021 сўмга камайтирилиши маълум қилади.

Утряннюю круглую печать и свидетельство о гос. регистрации за реестр № 0607745 выданный на имя ИП “Адиллов Бахтиёр Юлчиевич” (ИНН 446251285), считать недействительными. Тел.: 300-57-88

ООО “МЕРПРОТЕКТ ТЕХНОЛОГ” (ИНН 207085494) зарегистрированное отделение гос. регистрации субъектов предпринимательства жилищно-коммунального хозяйства Республики Узбекистан (реестр № 005154-11, 25.02.2010 г.) расположенное по адресу: г. Ташкент ул. Имом А.Термизий, 14 а, ликвидировано (протокол уредительно-го собрания № 1 от 05.02.2014 г.). Претензии принимаются в течение 2-х месяцев со дня публикации объявления.

Поставка и продажа тракторов МТЗ и сельхоз.техники производства Беларусь. Гарантия. Лизинг. Приглашаем к сотрудничеству региональных дилеров. Товары сертифицированы, услуги лицензированы. Тел.: (99895) 170-08-50, (99895) 170-08-50.



«АСАКА» БАНК (ОАЖ)

қуйидаги муддатли омонат турларини тақлиф этади:

- МИЛЛИЙ ВАЛЮТАДА**
«МУСТАҲКАМ ОИЛА»
Сақланиш муддати 18 ой бўлиб, ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.
- «ФАРОВОН ТУРМУШ»
Сақланиш муддати 12 ва 18 ой бўлиб, ҳисобланган фоизлар олдиндан ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.
- ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАДА**
«ШОДИЁНА»
(АҚШ долларидида)
Сақланиш муддати 2 йил бўлиб, ҳисобланган фоизлар 1 йил ўтгандан сўнг ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.
- «СТАБИЛЬНЫЙ-1» (ЕВРОда)
Сақланиш муддати 12 ой бўлиб, ҳисобланган фоизлар омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

Шу билан биргаликда, «Асака» банкда 80 дан ортиқ омонат турлари жорий этилган бўлиб, бу ҳақдаги маълумотларни банк филиалларидан ёки банк расмий веб сайтидан (www.asakabank.com) олишингиз мумкин.

МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

ФИЛИАЛЛАР	ТЕЛЕФОН	ФИЛИАЛЛАР	ТЕЛЕФОН
Ташкент шаҳри филиали	(371) 120-83-13	Наманган вилояти филиали	(369) 226-94-75
Автотранспорт филиали	(371) 120-39-95	Навоий вилояти филиали	(436) 223-54-32
Шайхонтоҳур филиали	(371) 140-39-36	Зарафшон филиали	(436) 573-18-78
Юнусобод филиали	(371) 221-80-67	Бухоро вилояти филиали	(365) 223-71-94
Сирғали филиали	(371) 258-67-49	Бухоро шаҳри филиали	(365) 770-11-27
Ташкент вилояти филиали	(371) 120-84-13	Самарқанд вилояти филиали	(366) 231-08-86
Андижон вилояти филиали	(374) 224-40-96	Афросиёб филиали	(366) 221-77-56
Асака филиали	(374) 233-13-69	Қашқадарё вилояти филиали	(375) 221-12-93
Фарҳод филиали	(374) 226-97-53	Сурхондарё вилояти филиали	(376) 770-82-12
Фарғона вилояти филиали	(373) 224-70-83	Қорақалпоғистон филиали	(361) 770-60-59
Марғилон филиали	(373) 237-12-37	Хоразм вилояти филиали	(362) 226-97-78
Олтиариқ филиали	(373) 432-10-11	Сирдарё вилояти филиали	(367) 225-44-03
Қўқон филиали	(373) 552-61-04	Жиззах вилояти филиали	(372) 226-43-11

Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.

СИЗНИНГ ОМОНАТЛАРИНГИЗ:
— солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!
— маълумотлари сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!
— эгаллик ва тасарруф ҳўқуқи ўз ихтиёрингизда!
— миқдори чекланмаган!

«АСАКА» БАНК — САРМОЯНГИЗНИНГ САҚЛАНИШИ ВА ҚЎПАЙИШНИ КАФОЛАТЛАЙДИ

Хизматлар лицензияланган.

ВНИМАНИЮ РУКОВОДИТЕЛЕЙ ОРГАНИЗАЦИЙ И ПРЕДПРИЯТИЙ!

ОДСП-19 МС И ВХ Р.УЗ. ОБЪЯВЛЯЕТ КОНКУРСНЫЕ ТОРГИ ПО ОБЪЕКТУ ЛОТ 3-3:

ПОДЛОТ 3-1: “Ремонтно – восстановительные работы по системе межхозяйственного коллектора “Шурсой” в Аккурганском районе Ташкентской области”.

Стартовая стоимость без НДС – 466 119 282 сўм.

Срок строительства – 9 месяцев.

ПОДЛОТ 3-2: “Ремонтно – восстановительные работы по системе межхозяйственного коллектора “Каракамиш” в Зангиатинском районе Ташкентской области”.

Стартовая стоимость без НДС – 745 207 575 сўм.

Срок строительства – 10 месяцев.

ПОДЛОТ 3-3: “Ремонтно – восстановительные работы по системе межхозяйственного коллектора “ЦГК” в Кибрайском районе Ташкентской области”.

Стартовая стоимость без НДС – 383 571 770 сўм.

Срок строительства – 8 месяцев.

Финансирование проекта будет осуществляться за счет Госбюджета.

ВНИМАНИЕ! Размеры минимальных квот, выделяемых для субъектов малого бизнеса составляет – 35%.

Организатор торгов: Ташкентский областной территориальный консал-

тинговый центр по конкурсным торгам и ценообразованию в строительстве Государственного комитета по архитектуре и строительству Республики Узбекистан.

Заказчик: ОДСП-19 МС и ВХ Р.Уз.
Адрес заказчика: г.Ташкент, Бектимирский район ул.Х.Байқаро 3.Тел: 295-02-92.

К претендентам на участие в конкурсных торгах предъявляются следующие квалификационные требования: наличие оборотных средств, в размере 20% от расчетной стоимости предмета конкурсных торгов или поручительства банка на предоставление указанного средств, производственной базы, трудовых ресурсов и специалистов, необходимых для выполнения работ (услуг), гражданская правоспособность и полномочия на заключение договора, наличие опыта работы на объектах, аналогичных конкурсному объекту, предоставление сведений о ранее выполненных объемах работ собственными силами, намечаемом объеме работ планируемому к выполнению собственными силами на конкурсном объекте.

При участии в конкурсных торгах ответственных и зарубежных организаций, для оценки их конкурсных предложений предусматриваются следующие ценовые преференции для ответственных подрядчиков: при проведении оценки конкурсных предложений участников с импортной поставкой работ (услуг), по которым импортными в соответствии с законодательством освобождаются от налога на добавленную стоимость, достигаются на сумму указанного налога.

Для участия на торгах и приобретения конкурсной документации необходимо обратиться с запросом к организатору торгов по адресу: г.Ташкент, ул. Навои дом 18. 308/311 комнаты. Телефон (факс): 241-15-26, 241-15-32.

Стоимость одного комплекта конкурсной документации – 150 000 (сто пятьдесят тысяч) сўм.

Последний срок представления оферт организатору торгов приурочен ко дню и часу вскрытия оферт по адресу: г.Ташкент, Бектимирский район ул.Х.Байқаро.

Вскрытия оферт состоится по истечении 15 дней после публикации объявления.

Утрянний диплом В № 008134 выданный в 1989 г. СПТУ-55 (TOSHKENT MENEJMENT VA TEXNOLOGIYALAR KOLLEJI) на имя Базарбаевой Мукаддас Утюрбеков, считать недействительным.

“WIRTGEN GROUP” МЧК Устав фонди 280 588 503 сўмдан 225 144 199 сўмга камайтирилиши маълум қилади.

ТМЛ қошидаги Молия академик лицейи томонидан 2001 й.да Миромлимова Нигора Азизовна номига берилган О’Р-Г № 017474 рақамли диплом йўқолишини сабабли бекор қилинади.

Ташкент ш. Мировод т. ТСРҲИ томонидан рўйхатга олинган “STEMIL” МЧК Устав фонди 20 669 500 сўмдан 10 489 000 сўмга камайтирилиши маълум қилади.

“NORSAN TA” МЧКнинг (ИНН 300786580) Устав фонди 278 872 851 62 сўмдан 228 567 966 49 сўмга камайтириди. Манзил: Ташкент ш. Юнусобод т. Марказ-5 56-уй 36-хондон.

Поставка и продажа тракторов МТЗ и сельхоз.техники производства Беларусь.

Гарантия. Лизинг.

Приглашаем к сотрудничеству региональных дилеров.

Товары сертифицированы, услуги лицензированы.
Тел.: (99895) 170-08-50, (99895) 170-08-50.

Заводские запчасти для тракторов МТЗ Производств Беларусь

Тел.: 99895 170-32-52

Продажа всех видов шин для грузовой и сельскохозяйственной техники.

Приглашаем к сотрудничеству региональных дилеров.

Товары сертифицированы, услуги лицензированы.
Тел.: (99895) 199-10-33, (99893) 377-13-95.

9 ФЕВРАЛЬ – АЛИШЕР НАВОЙИ ТАВАЛЛУД ТОПГАН КҮН

БИР ҒАЗАЛ САБОФИ



Алишер Навоий яшаган ва биз яшайтган давр ўрта-сида 600 йилга яқин вақт масофаси бор. Шу боис, бу ҳолат улуғ мутафаккир шоир асарларининг моҳиятини англашни бир қадар қийинлаштириши таин.



тарихий давр ҳақидаги тахминни қувватлайди.

Бу байт, табиийки, ҳар қандай ўқувчида қатор саволларни келтириб чиқаради: хўш, инсон нима учун даврондан ажралмоқ истайди?

Агар ғазал шоирнинг йиғитлик даври лирикасига мансублигини инобатга олсак, гап ҳаффу хатарга, тож-тахт талашларю адоватга, душманлик, хусуматга тўла сиёсий муҳит ҳақида кетаётганигини таҳмин қилиш мумкин.

Профессор Ҳамид Сулаймоновнинг ўрсатишича, шоирнинг йиғитлик даври лирикаси 1461-1476 йилларда яратилган шеърларни ўз ичига олади.

Иккинчи байтнинг қуйидагича тушуниш лозим: амал-мартаба йўлида қўлингга қилич ушлаб курашсан, ширин жонинг ҳам кўзинга кўринмайди,

Кейинги байтда ҳам бақо ва фано, абадийлик ва ўткинчилик баҳси давом эттирилади.

Тўртинчи байтда хайрли амаллар, одамларга фойда келтириш, эзгулик ва бунёдкорлик ишлариға тарғиб руҳи балқиб турибди.

Шеърнинг умумий руҳи шундайки, амаллараслик, меъчанлик ҳеч қачон инсонни беэмамайди, абадийят дунёсидаги ўрнини белгиламайди.

роҳ қилибсан» (6-байт)! Ўзингни қўп дуру жаҳоирларга ўрама, кўлогингга тақилган дурунинг пахта ичидаги чигитча қиммати бор, устига-устига, ана шу пахтаю чигит сенига ҳақиқатни айтгучиларнинг сўзларини эшиттирмайди (7-байт)!

Оҳирги байтда шоир «сирингни ўз қалбингда маҳам асра, кўнглинг чок бўлганда, яъни бошингга мусибат тушганда, бўшлиқ қилиб ногоҳ айтиб қўйма», қабилда фикр юритган.

Шеърнинг умумий руҳи шундайки, амаллараслик, меъчанлик ҳеч қачон инсонни беэмамайди, абадийят дунёсидаги ўрнини белгиламайди.

«Нафс итин қилсанг забун оламда йўқ сендек шужо»» Мусобақалар, натижалар, галабалар. Бу байт ҳам қочқарида эслатилаган сиёсий курашларга тўла

Истасангким ургасен давронга тийги инқитоб, Ул видоб эткунча сен қилгил бурунроғ алвидоб. Жон бериб ширину муҳлик жоҳ учун илгинда тийғ, Назь вақти шарбати марғ истаб айлайсен низоь.



қилинадиган жой, гўр, иртифоь – юксалиш, юқорилар; сандалойин – ёғочи қора-сариг рангли, хўш исли дарахт каби; эв – уй; сарзаниш – койиш, танбех, ҳақорат; суд – бош оргин; истимоб – эшитиш; беша – тўқай, ўрмон; аспор – сирлар; махрам – улфат, ҳамдам, сирдош; «Жоваз-ал-иснаини шоь» – арабча ибора: «Кулли сирин жоваз-ал-иснаини шоь» мисрасининг бир қисми бўлиб, маъноси: «Хамма сир икки тиш орасидан ўтса, (барчага) ёйлади» демакдир.



СПОРТ

ФУТБОЛ
ЖАМОАЛАРИМИЗ ЧЕМПИОНЛАР ЛИГАСИ
БАҲСЛАРИДА ИШТИРОК ЭТАДИ

Эртага Осиё чемпионлар лигасининг иккинчи плей-офф босқичи учрашувлари бўлиб ўтади. Маълумки, ушбу босқичда Фарб минтақасидан ўрин олган мамлакатимизнинг икки жамоаси иштирок этади.



Жумладан, биринчи жуфтликдан жой олган Тошкентнинг «Локомотив» жамоаси Пахтакор марказий стадионда Қувайтнинг «Қувайт СК» жамоасини қабул қилади.

Қарши шаҳри жамоаси бахсга жиддий тайёргарлик қўриш мақсадида 30 январьдаёқ Бирлашган Араб Амирликларига бир ҳафталик йиғин ўтказиш учун йўл олган эди.

Тошкентда бўлиб ўтадиган «Локомотив» ва «Қувайт СК» жамоалари ўртасидаги бахсга тўхталадиган бўлса, маълум бўлишича, меҳмонлар пойтахтимизда кечаётган совуқ об-ҳаводан хавфсизлаштиришни билдирдилар. Учрашув вақти 15:00 га белгиланган.

Шу кунли Фарб минтақасидан ўрин олган иккинчи жуфтлик — «Лавхия» (Қатар) – «Ал Хидд» (Баҳрайн) ҳамда учинчи жуфтлик — «Баньяс» (БАА) ва «Кодисия СК» (Қувайт) жамоалари ҳам ўзаро баҳс юритишади.

ШАХМАТ
ШАХМАТЧИЛАРИМИЗ ПЕШҚАДАМ

«Moscow Open – 2014» халқаро шахмат фестивалида иштирок этаётган ҳамюртларимиз муваффақиятли оидимини давом эттирмоқда.



Жумладан, гротмейстер талаба қизлар ўртасидаги мусобақада иштирок этаётган Нафиса Мўминова тўртинчи турда грузиялик гротмейстер Мери Абрабидзе билан дуранг ўйнади.

ТЕННИС
ИСТОМИН НУҒУЗЛИ МУСОБАҚАНИ МУВАФФАҚИЯТЛИ БОШЛАДИ

Франциянинг Монпелье шаҳрида Профессинал теннисчилар уюшмаси – ATP мусобақалари тақвимиға кирувчи «Open Sud de France – 2014» халқаро турнири бўлиб ўтмоқда.



Ҳамюртимиз Денис Истомин мазукур нуғузли турнирнинг яқалки ва жуфтлик мусобақаларида иштирок этмоқда. Денис яқалки бахсларининг биринчи даврасида туркиялик Марсель Илханга қарши қорғта қикиб, рақибини 6:4, 7:5 ҳисобида мағлубиятға учратди.

АНИК ТАШХИС ВА ЮҚОРИ СИФАТ

– Ушбу усқуналар аниқ ташхис қўйиш хусусиятиға эғалиги билан аҳамиятлидир, – дейди «Саломатлик-3» лойиҳасининг Андижон вилояти ҳудудий бюроси директори Хуршидбек Маматхонов.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

АГРОТЕХНИКА
Беларус 80X ~ Беларус 82.1 ~ Беларус 1025
Боғ ва ферма учун тракторлар
Гусеницилли тракторлар
Прессподборщик
Гўзапол урадиган комбайн
Ўт урадиган комбайн
Макка ўрадиган комбайн
Жўриги йиғувчи комбайн
Косилка КИР 1,5
Сомон йиғувчи мосламалар
Картошка тарадиган комбайн
Картошка эқадиган комбайн
Бугдой эқадиган севляк
Пахта эқадиган севляк
Дори сепадиган мосламалар
Сачратиб сўғуровчи мосламалар
Ем майдалаб тарқатувчи техника
Культиваторлар
Плуг, айланма плуг, дискалли плуг
Чизель, борона
Экскаватор погрузчик, бульдозер
Траншекопатель, ямобур
Сайт: www.sninvest.uz
E-mail: info@sninvest.uz
Маҳсулот сертификатланган
Буюртма асосида

ВНИМАНИЮ РУКОВОДИТЕЛЕЙ ОРГАНИЗАЦИЙ И ПРЕДПРИЯТИЙ!
ОДСП-19 МС И ВХ Р.УЗ. ОБЪЯВЛЯЕТ ПОВТОРНЫЕ КОНКУРСНЫЕ ТОРГИ ПО ОБЪЕКТУ:
«Ремонтно-восстановительные работы по системе межхозяйственного коллектора «Калган» в Янгиюльском районе Ташкентской области».
Стартовая цена составляет – 983 894 103 сум без НДС.
Срок завершения работ – 22 месяц.
Финансирование проекта будет осуществляться за счет средств выделяемых с Фонда мелiorации.
Организатор торгов: Ташкентский областной территориальный консультинговый центр по конкурсному торгам и ценообразованию в строительстве Государственного комитета по архитектуре и строительству Республики Узбекистан.
Заказчик: ОДСП-19 МС и ВХ Р.Уз.
Адрес заказчика: г.Ташкент, Бектимировский район ул.Х.Байкаро 3.Тел: 295-02-92.
К претендентам на участие в конкурсных торгах предъявляются следующие квалификационные требования: наличие оборотных средств, в размере 20% от расчетной стоимости предмета конкурсных торгов или поручительство банка на предоставление указанных средств, производственной базы, трудовых ресурсов и специалистов, необходимых для выполнения работ (услуг), гражданская правоспособность и полномочия на заключение договора, наличие опыта работы на объектах, аналогичных конкурсному объекту, предоставление сведений о ранее выполненных объемах работ собственными силами, намечаемом объеме работ планируемом к выполнению собственными силами на конкурсном объекте.
При участии в конкурсных торгах отечественных и зарубежных организаций, для оценки их конкурсных предложений предусматриваются следующие ценовые предпочтения для отечественных подрядчиков: при проведении оценки конкурсных предложений участников с импортной поставкой работ (услуг), по которым импортеры в соответствии с законодательством освобождаются от налога на добавленную стоимость, досчитываются на сумму указанного налога.
Для участия на торгах и приобретения конкурсной документации необходимо обратиться с запросом к организатору торгов по адресу: г.Ташкент, ул. Навои дом 18. 308/311 комнаты. Телефон (факс): 241-15-26, 241-15-32.
Стоимость одного комплекта конкурсной документации – 150 000 (сто пятьдесят тысяч) сум.
Последний срок представления оферт организатору торгов предусмотрен ко дню и часу вскрытия оферт по адресу: г.Ташкент, проспект Амира Темура дом 19.
Вскрытия оферт состоится по истечении 15 дней после публикации объявления.

Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ
МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Агроесанот комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирлик ва идоралар.
ТАХРИР ХАЙЪАТИ: Улугбек УЗОҚОВ, Солиҳон ТУРДИЕВ, Омонулло ЮНУСОВ, Фарход ОМОНОВ, Эркин КУДРАТОВ, Муса АНОРБЕКОВ, Абдувахоб ТАМИКАЕВ, Маҳмуд ТОИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Анвар КУЛМУРДОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Ренат НАЗАРОВ, Шерзод ГҒУЛОМОВ, Муҳиддин АБДУСАМАТОВ (Маъсул котиб).
Телефонлар: Кабулхона – 236-26-50, Котибият – 233-95-17, Аграр масалалари бўлими – 233-76-78, Ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий масалалар бўлими – 236-26-49, Манзавият ва маърифат бўлими – 236-26-35, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими – 233-44-43, Факс – 233-44-43, 233-09-93.
Худудлардаги муҳбирлар: Қорақалпоғистон Республикаси – (+99890) 592-62-04; Вилоятлар: Андижон – (+99893) 630-73-03; Бухоро – (+99891) 401-29-59; Жиззах – (+99890) 297-44-09; Навоий – (+99891) 537-14-36; Наманган – (+99890) 278-95-87; Фаргона – (+99890) 407-76-03; Самарқанд – (+99891) 537-24-95; Сирдарё – (+99891) 168-23-60; Сурхондарё – (+99890) 519-86-50; Тошкент – (+99890) 976-39-58; Хоразм – (+99890) 438-71-25; Қашқадарё – (+99891) 635-08-03.
Навбатчи муҳаррир: Ш.Йўлдошев
Мусаҳҳис: О.ОЧИЛОВ
Дизайнер: Ф.ТОИРОВА

Газета сешанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Буюртма Г-222, ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Босишга топшириш вақти: 21.00 Босишга топширилди: 21.30 28301 нўсxada босилди. Нашр индекси – 144. Манзилимиз: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. E-mail: info@qishloqhayoti.uz Газета тахририятининг ўзидя компьютерда терилди ва саҳифаланди. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаохнасидя босилди. Манзили: «Буюк Тўрон» кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5